“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши БАЁНИДАН КЎЧИРМА

2022 йил 27 июнь № 02/2023 Тошкент шаҳри

Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 28 июнь 2022 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди: А.Эргашев – Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили.

Бир овоздан А.Эргашев - умумий йиғилиш раиси, А.Насирдинов ва Ш.Махмудов умумий йиғилиш раёсати аъзолари, Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2022 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

8. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

9. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

10. Жамият бошқарув раисини сайлаш.

11 Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

12. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятининг якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

13. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

14. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти эълон қилинган акцияларининг энг юқори миқдорини белгилаш.

15. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳририни тасдиқлаш.

16. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги

Низоми янги таҳририни тасдиқлаш.

17. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи - Бошқарув тўғрисида”ги Низоми янги таҳририни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш

1. Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 5 июндаги 314-сонли қарорига асосан Саноқ комиссияси 3 кишидан, яъни Қурбонбоев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ҳамда Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилган.

Саноқ комиссияси томонидан Умумий йиғилишда жамиятнинг **38 602 955** дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 2 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 600 906 дона)нинг **92,79** фоизини ташкил этиши маълум қилинди.....

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

Кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

3. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Мазкур масалада “O’zagrolizing” акциядорлик жамияти Бошқарув раиси ўринбосари А.Насирдинов хисоботни ўқиб эшиттирди .....

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

2022 йил мобайнида бир марта навбатдаги ва бир марта навбатдан ташқари Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилди.

Кузатув кенгашининг тегишлича 16 та қарорлари қабул қилинди.

Кузатув кенгаши мажлисларида Жамият Бошқарув раиси ва ички аудит хизматининг жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг чорак ва йил якунлари бўйича ҳисоботлари мунтазам эшитилиб, муҳокама натижасига кўра, Кузатув кенгашининг тегишлича тавсия ва кўрсатмалари бериб борилди.....

5. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари

бўйича “GLOBAL-AUDIT” МЧЖ томонидан 2023 йил 22 майда берилган ижобий аудиторлик хулосаси Ш.Умаров томонидан ўқиб эшиттирилди (аудитор хулосаси илова қилинмоқда).....

6. Жамиятнинг 2022 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Жамият Бош бухгалтери Ш.Қодирова сўзга чиқди жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказди (жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи илова қилинмоқда).....

7. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Жамият бошқарув аъзоси, Молиявий-иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи Э. Қурбонов томонидан кузатув кенгашининг 2023 йил 5 июндаги 314-сонли баённома қарорига мувофиқ, жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича (“Ўзмашлизинг” МЧЖ ва филиаллари билан биргаликда) олинган 21 144 770 400,0 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш тавсия этилган:

- Захира фондига – 1 057 238 520,0 сўм;
- Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 10 545 829 671,0 сўм;
- Имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм;
- Активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира шакллантиришга – 9 529 027 209,0 сўм.

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 253 сўм 50 тийиндан, (номинал қийматнинг 10,0%) миқдорида дивиденд тўлови амалга ошириш ва дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш йўли ва нақд пул билан тўлаш.

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 633 сўм 75 тийиндан, (номинал қийматнинг 25%) миқдорида дивиденд тўлови амалга ошириш.

Шунингдек, амалдаги қонун талабларига кўра дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга ошириш.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2023 йилнинг 27 июлдан ва тугаш санаси 2023 йилнинг 25 август қилиб белгилаш тавсия этилган.....

8. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

Жамиятнинг бош бухгалтери Ш.Қодирова Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасида эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига кўра, жамият ихтиёрида қолдирилиши мумкинлигини маълум қилди.

“O’zagrolizing” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендлар миқдори **24 350 983,19 сўмни** ташкил қилган.

2019 йил якунлари бўйича **356** та акциядор томонидан **4 859 397,0 сўм** миқдоридаги дивидендлар талаб қилиб олинмаган (акциядорлар рўйхати илова қилинади).....

9. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилиш Раиси А.Эргашев сўзга олиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасига кўра, ҳаммаси бўлиб камида бир фоиз акцияга эга бўлган акциядорлар томонидан Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатишга ҳақли эканлиги тўғрисида маълумот берди.

Юқоридаги қонунга асосан Давлат Активларини бошқариш агентлиги ҳамда "Silk Capital" МЧЖ, жамият Кузатув Кенгашига номзодлар тақдим этгани билдирилди.

Унга кўра, Давлат Активларини бошқариш агентлигидан номзодлар:

1. Абдурахимов Нодиржон Абдуқундузович - Ўзбекистон Республикаси Президент администрацияси масъул ходими
2. Бобобеков Зохиджон Анарбаевич - Давактив агентлиги бошқарма бошлиғи
3. Эргашев Алишер Рахматуллаевич - Давактив агентлиги бош мутахассиси
4. Суюнов Дилмурод Холмурадович - Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби кафедра мудири
5. Рўзиев Шухрат Негпулатович - Давактив агентлиги бош мутахассиси
6. Валижонов Акмалжон Рахимович - Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадбиқ этиш маркази бўлими мудири

"SILK CAPITAL" МЧЖдан номзод:

1. Хасанов Мухаммад Карим Муратович - "SILK CAPITAL" МЧЖ раҳбари..

10. Жамият бошқарув раисини сайлаш.

Умумий йиғилиш Раиси А.Эргашев қуйидагиларни қайд этди: Давлат активларини бошқариш агентлигининг хати билан ҳисобот даврида бизнес-режанинг асосий кўрсаткичларини ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК)ни бажарган ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини ваколатли бошқарув органининг тегишли қарори асосида узайтириш юзасидан кўрсатма берилганлигини таъкидлаб ўтди.....

11. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

"INVESTMENT MANAGEMENT GROUP" МЧЖ томонидан ўтказилган ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, "O'zagrolizing" АЖ фаолият самарадорлиги **757** баллга эга бўлиб, ушбу кўрсаткич **"юқори"** деб эътироф этилган.....

12. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг якунлари

бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Жамиятнинг бош бухгалтери Ш.Қодирова сўзга чиқиб, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабларига асосан махсус ахборот портали https://etender.uzex.uz сайтига танлов эълон қилиниб, дастурий таъминот ёрдамида электрон тартибда ғолиб аниқланган.

Махсус ахборот портали https://etender.uzex.uz нинг танлов ўтказилган баённига мувофиқ, “HLB TASHKENT” МЧЖ 356,0 млн. сўм (ҚҚСсиз) хизмат нархи билан ғолиб деб топилган, “GRANT THORNTON” МЧЖ захирадаги ғолиб деб эътироф этилган....

13. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Мазкур масала бўйича жамиятнинг юридик бўлим бошлиғи Ш.Махмудов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маъруза қилди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ, ижроия органи ва ички аудит хизмати аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиб чиқиб ёзма равишда баённома тузиши ва Кузатув кенгашига тақдим этилиши белгиланган.

Ўз навбатида Кузатув кенгаши 15 кун муддатда ушбу битимларни ўрганиб, уни тузишга рухсат беради. Шу тариқа, аффилланган шахслар билан шартнома тузиш масаласини Кузатув кенгашидан ўтказишга камида 20-25 кун вақт сарф этилади.....

14. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти эълон қилинган акцияларининг энг юқори миқдорини белгилаш.

“Ўзагролизинг” АЖ устав капиталини 60,0 млн.АҚШ доллари эквивалентида қўшимча акциялар чиқариш орқали кўпайтириш зарурияти туғилгани, бунинг учун эса жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларининг энг кўп миқдорини 275 000 000 дона, эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 2 535 сўм бўлган, умумий қиймати 697 125 000 000 (олти юз тўқсон етти миллиард бир юз йигирма беш миллион) сўмлик акциялар этиб белгилаш ҳамда жамият Уставига тегишли ўзгартириш киритиш лозим бўлади.....

15. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳририни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масала бўйича жамият юридик бўлими бошлиғи Ш.Махмудов сўз олиб, Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сон қонуни.”ги Қонуни қабул қилиниши ҳамда Вазирлар Махкамасининг “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356-сон қарорига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш лозим бўлганини маълум қилди.....

16. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низоми янги таҳририни тасдиқлаш.

Жамиятнинг юридик бўлим бошлиғи Ш.Махмудов ушбу масала бўйича сўзга чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 2 февралдаги 01/08-1-18/52-сонли хати орқали Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сон қонуни қабул қилиниши муносабати билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига бир неча ўзгартиришлар киритилганини таъкидлади.....

17. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи - Бошқарув тўғрисида”ги Низоми янги тахririни тасдиқлаш.

Мазкур масала бўйича жамиятнинг юридик бўлим бошлиғи Ш.Махмудов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.03.2023 йилдаги ПҚ-101 -сон қарори талабларидан келиб чиқиб, давлат активларини бошқариш агентлиги 2023 йил 1 майда 03/09-3-19/1665-сонли хати билан жамиятнинг ички ҳужжатларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш масаласи сўралганини таъкидлади.....

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни ва натижаларини сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси Д.Қурбонбоев умумий йиғилишга қўйидагиларни эълон қилди:

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қўйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

5. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик

ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

6. Жамиятнинг 2022 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

7. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

8. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

9. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

9.1. Эргашев Алишер Рахматуллаевич:

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 43 896 398 дона акциялар;

9.2. Абдурахимов Нодиржон Абдуқундузович:

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 43 896 398 дона акциялар;

9.3. Бобобеков Зохиджон Анарбаевич:

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 43 896 398 дона акциялар;

9.4. Суюнов Дилмурод Холмурадович:

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 43 896 398 дона акциялар;

9.5. Валижонов Акмалжон Рахимович:

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 43 896 398 дона акциялар;

9.6. Рўзиев Шухрат Негпулатович:

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 43 896 398 дона акциялар;

9.7. Хасанов Махаммад Карим Муратович:

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 6 842 297 дона акциялар;

10. Жамият бошқарув раисини сайлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

11. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

12. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

13. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 977 471 дона акциялар (2,53%), қаршилар – 37 625 484 дона акциялар (97,47%), бетарафлар – йўқ.

14. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти эълон қилинган акцияларининг энг юқори миқдорини белгилаш.

Овоз бериш натижалари

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

15. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳририни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

16. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низоми янги таҳририни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

17. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи - Бошқарув тўғрисида”ги Низоми янги таҳририни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 602 955 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Саноқ комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Саноқ комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Саноқ комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Қурбонбоев

Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ҳамда Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

Кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. Жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.....

6. Жамиятнинг 2022 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

7. “O’zagrolizing” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича (“Ўзмашлизинг” МЧЖ ва филиаллари билан биргаликда) олинган 21 144 770 400,0 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- Захира фондига – 1 057 238 520,0 сўм;
- Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 10 545 829 671,0 сўм;
- Имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм;
- Активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира шакллантиришга – 9 529 027 209,0 сўм.

7.1. Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш ва накд пул билан тўлаш йўли билан амалга оширилсин;

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 253 сўм 50 тийиндан (номинал қийматнинг 10,0%);

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 633 сўм 75 тийиндан (номинал қийматнинг 25%) миқдорида дивиденд тўлови амалга оширилсин.....

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2023 йилнинг 27 июлдан ва тугаш санаси 2023 йилнинг 25 август қилиб белгилансин.

8. Жамият акциядорлари томонидан 2019 йил якунлари бўйича эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган 356 та акциядорнинг 24 350 983,19 сўм дивидендлар жамият ихтиёрида қолдирилсин ва 2019 йил якунлари бўйича 356 та акциядорнинг 24 350 983,19 сўм миқдоридаги дивидендлар талаб қилиб олинмагани маълумот учун қабул қилинсин.

9. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар 3 йил муддатга сайлансин:

- Абдурахимов Нодиржон Абдуқундузович;
- Бобобеков Зохиджон Анарбаевич;
- Эргашев Алишер Рахматуллаевич;
- Суюнов Дилмурод Холмурадович;
- Рўзиев Шухрат Негпулатович;
- Валижонов Акмалжон Рахимович;
- Хасанов Махаммад Карим Муратович.

10. Жамиятнинг амалдаги Бошқарув раиси Отажонов Нодир Собирович 3 йил муддатга сайлансин.

11. Жамиятда “INVESTMENT MANAGEMENT GROUP” МЧЖ томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари **757** балл ва ушбу кўрсаткич **“юқори”** деб эътироф этилгани маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.....

12. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятининг якунларини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “HLB TASHKENT” МЧЖ ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини 356,0 млн. (ҚҚСсиз) сўм этиб белгилансин.....

13. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимлар тўғрисида маълумотлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

14. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларининг энг кўп миқдорини 275 000 000 дона, эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 2535 сўм бўлган, умумий қиймати 697 125 000 000 (олти юз тўқсон етти миллиард бир юз йигирма беш миллион) сўмлик акциялар этиб белгилансин.

15. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

17. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи - Бошқарув тўғрисида”ги Низоми янги таҳрирда тасдиқлансин.

Котиб **Б. Валиев**

Баён тузилган сана: «27» июнь 2023 йил